ТАЪЛИМ ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИНИ БУЗГАНЛИК УЧУН МАЪМУРИЙ ЖАВОБГАРЛИК

В.Р.Топилдиев

Мақолада таълим тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун маъмурий жавобгарлик масалалари илмий таҳлил этилган.

Калит сўзлар: *таълим тизими, қонун ҳужжати, юридик жавобгарлик, маъмурий жавобгарлик, маъмурий жазо.*

В статье рассматриваются вопросы административной ответственности за нарушения законодательных документов об образовании.

Ключевые слова: *система образования, законодательный акт, юридическая ответственность, административная ответственность, административное наказание.*

The article discusses the problems of administrative punishment for breach of law on education.

Key words: *education system, legal act, legal responsibility, administrative responsibility, administrative punishment.*

Мамлакатимизда мустақилликнинг биринчи йилларидан бошлаб таълим соҳасида эски ёндашувлардан бутунлай воз кечилиб, янгича тамойиллар, миллий қадрият ва анъаналаримиз, илғор жаҳон тажрибасига асосланган ҳолда ҳаётимизни тубдан янгилаш, узоқ ва давомли мақсадларимизни амалга ошириш учун таълим ва тарбия соҳасига устувор аҳамият қаратилиб, бор куч ва имкониятлар шу йўлда сафарбар этиб келинмоқда. И.А.Каримов таъкидлаганидек, “Биз бир ҳақиқатни эсдан чиқаришга ҳаққимиз йўқ, яъни ҳаёт ҳеч қачон бир жойда тўхтаб турмайди. Ислоҳотлар ва ўзгаришлар йўлида фақатгина эришилган марралар билан чекланиб қолиш асло мумкин эмас. Ислоҳотлар ва ўзгаришлар жараёни ҳеч қачон ниҳоя билмайди. Албатта, бирон бир босқич якунланиши мумкин, аммо ҳаётнинг ўзи янгидан-янги босқич ва вазифаларни ҳали олдимизга қўяверади” [1].

Республикамизда таълим-тарбия тизимини тубдан ўзгартириш йўлида олиб борилаётган ислоҳотларни амалга ошириш ва бу борада қабул қилинган ҳужжатлар моҳиятини кенг жамоатчилик томонидан чуқур англаб олинишига ҳар томонлама шароит яратиш давлат бошқаруви идоралари, таълим-тарбия муассасалари ходимларининг энг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни ва Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури қабул қилинганидан бошлаб таълим мазмуни тубдан ўзгарди. Таълим муассасаларининг таълим ва тарбия жараёнларига узлуксиз таъ-

лимнинг давлат таълим стандартлари ва давлат талаблари жорий этилди. Меҳнат бозори талабларига мувофиқ кадрлар тайёрлаш тизими шаклан ва мазмунан барқарорлашмоқда.

Республикамизда узлуксиз таълимнинг жорий этилиши таълим соҳасининг бошқарув органларидан бир қатор вазифаларни ҳал этиш ва уларни доимо такомиллаштириб, ривожлантириб боришни талаб этмоқда.

Бу ўринда таълим ва тарбия жараёнларини сифатли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар билан ўз вақтида таъминлаш муҳим аҳамият касб этади.

Ўтган давр ичида юқорида зикр этилган қонунлар ижроси бўйича қуйидаги соҳаларда қонунчиликка оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қайта қабул қилинди:

1. Таълим тизимини бошқариш бўйича.

2. Таълим тизимини мазмунан ислоҳ қилиш бўйича.

3. Молиялаштириш ва моддий-техник таъминот бўйича.

4. Педагог ва илмий-педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича.

5. Таълим хизматлари бозорини ривожлантириш бўйича.

6. Таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳасида халқаро ҳамкорлик бўйича;

7. Чет тилларни ўрганиш бўйича.

8. Маънавий-ахлоқий тарбия ва маърифий ишлар бўйича.

9. Касб-ҳунар таълими сифатини назорат қилиш тизимини шакллантириш бўйича.

10. Электрон кутубхоналар яратиш ва уларни ягона тармоққа бирлаштириш бўйича.

11. Таълим соҳасида ижтимоий кафолатларни таъминлаш ҳамда бу соҳани давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва ҳоказолар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг таълим ва тарбия жараёнларига оид 10 дан ортиқ фармон ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг 50 ортиқ қарорлари, шунингдек, олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ваколатига кирувчи масалалар бўйича қатор меъёрий-услубий ҳужжатлар қабул қилинди.

Бугунги кунда таълим муассасаларида фаолият олиб бораётган мансабдор шахслар, педагог ходимлар, тингловчилар ва талабалар томонидан таълим ва тарбия жараёнларини ташкил этиш ва бошқаришнинг меъёрий-ҳуқуқий асослари бўлган қонун, фармон, қарор ва буйруқлар ижросини таъминлашда ҳуқуқбузарликларга йўл қўйилмоқда.

Амалдаги қонун ҳужжатларида таълим тўғрисидаги қонунлар ва бошқа қонуности ҳужжатларини бузганлик учун юридик жавобгарликнинг:

1) интизомий жавобгарлик;

2) маъмурий-ҳуқуқий жавобгарлик;

3) фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик;

4) жиноий жавобгарлик турлари қўлланиши мумкинлиги кўрсатилган.

Таълим тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун маъмурий-ҳуқуқий жавобгарлик юридик жавобгарликнинг бир тури сифатида таълимга оид қонунларни бузганлик учун қўлланади.

Маъмурий-ҳуқуқий жавобгарликка тортиш учун фақат маъмурий ҳуқуқбузарликнинг содир этилиши асос бўлади.

Маъмурий-ҳуқуқий жавобгарликка тортишнинг асосий мақсади ва унинг тушунчаси Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексида кўрсатилган [2].

Мазкур қонуннинг 10-моддасига асосан: “Маъмурий ҳуқуқбузарлик деганда қонун ҳужжатларига биноан маъмурий жавобгарликка тортиш назарда тутилган, шахсга, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига, мулкчиликка, давлат ва жамоат тартибига, табиий муҳитга тажовуз қилувчи ғайриҳуқуқий, айбли (қасддан ёки эҳтиётсизлик орқасида) содир этилган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик тушунилади”.

Ушбу Кодексда назарда тутилган ҳуқуқбузарлик учун маъмурий жавобгарлик, башарти бу ҳуқуқбузарлик ўз хусусиятига кўра жиноий жавобгарликка тортишга сабаб бўлмаган тақдирда, амалга оширилади.

Маъмурий жавобгарликнинг мақсади – барча фуқароларнинг қонунларни аниқ ва иккиланмай бажаришлари, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва бошқа қонунларини ҳурмат қилишлари, лозим бўлган мажбуриятларини ўз вақтида бажаришлари, инсон ва жамият фаровонлиги йўлида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, мулкни, давлат ва жамоат тартибини, табиий муҳитни муҳофаза қилишни, ижтимоий адолат ва қонунийликни таъминлаш ёинки тегишли ҳуқуқбузарликни содир этганларни тарбиялаш ҳисобланади.

Таълим тизимида маъмурий ҳуқуқбузарлик учун жавобгарлик тушунчаси шуни белгилайдики, бунда ҳуқуққа ва белгиланган қонунга қарши қилинган хатти-харакат оқибатида Ўзбекистон Республикаси таълим тизимига ва Ўзбекистон Республикасининг таълим тўғрисидаги қонунларига ҳамда уни амалга ошириш талабларига риоя этмаслик, яьни уни бузиш тушунилади.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик ўз ичига 4 та элементни қамраб олади: субъект, объект, субъектив томон ва объектив томон.

Таълим соҳасида маъмурий ҳуқуқбузарликнинг субъектлари бўлиб педагог ходимлар, ўқув-ёр-

дамчи ходимлар, талабалар (ўқувчилар), тингловчилар ва мансабдор шахслар ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 13-моддасига асосан, маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этган пайтда ўн олти ёшга тўлган шахслар маъмурий жавобгарликка тортиладилар.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик кўп шаклли бўлиб, у ижтимоий соҳада ва ишлаб чиқаришнинг барча соҳаларида учрайди.

Таълим соҳасининг асосий манбаи Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги қонуни ҳисобланади. Шунинг учун ҳам таълим тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш деганда таълимга оид бўлган ҳужжатлардан фойдаланиш ва уларнинг ижросини таъминлашда таълим тизимидаги тартиб-қоидаларга амал қилмаслик ҳолларини тушуниш мумкин.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда таълим ва тарбия жараёнларини ташкил этиш ва бошқариш билан боғлиқ қуйидаги ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлик белгиланган:

- туҳмат;
- хақорат қилиш;
- давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш;
- фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш;
- ҳужжатлар билан танишиб чиқишни асоссиз равишда рад этиш;
- фуқарога маънавий ёки моддий зарар етказиши мумкин бўлган маълумотларни ошкор этиш;
- болаларни тарбиялаш ва уларга таълим бериш борасидаги мажбуриятларни бажармаслик;
- меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш;
- маҳаллий меҳнат органлари томонидан юборилган фуқароларни ишга олишдан бош тортиш;
- меҳнатга мажбурий тарзда мажбурлов ва ҳоказолар.

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси 23-моддасига асосан маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун қуйидаги маъмурий жазо турлари қўлланади:

1) жарима;

2) маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш қуроли ҳисобланган ёки бевосита шундай нарса бўлган ашёни ҳақини тўлаш шарти билан олиб қўйиш;

3) маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш қуроли ҳисобланган ёки бевосита шундай нарса бўлган ашёни мусодара қилиш;

4) муайян шахсни унга берилган махсус ҳуқуқдан (транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан, ов қилиш ҳуқуқидан) маҳрум этиш;

5) маъмурий қамоққа олиш.

Сўнгги пайтларда таълим соҳасида таълим тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш ҳолатлари мансабдор шахслар, педагоглар ва талабалар ўртасида кўплаб учрамоқда. Бугунги кунда энг кўп учрайдиган маъмурий ҳуқуқбузарликлардан бири инсон ва фуқароларни ҳақорат қилишдир. Бу ҳуқуқбузарлик учун Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 41-моддасида "Ҳақорат қилиш, яъни шахснинг шаъни ва қадр-қимматини қасддан камситиш, - энг кам иш ҳақининг йигирма бараваридан қирқ бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади" деб белгиланган.

И.А.Каримов куюнчаклик билан таъкидлаганидек: "Энг муҳими, барча тузилмалар, аввало, мансабдор шахсларнинг қабул қилинаётган қонунларни ижрочиларга ўз вақтида етказиш, уларнинг бажарилиши устидан таъсирчан назорат ўрнатиш бўйича жавобгарлигини кучайтириш зарур. Бунда қонунни бажармаслик билан боғлиқ ҳар бир конкрет ҳолат бўйича аниқ жазо турлари, ҳуқуқий таъсир чоралари кўзда тутилиши керак.

Шу борада қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ижрочиларга етказишни аниқ тартибга соладиган махсус қонун ҳужжатини қабул қилиш ва амалга ошириш, энг муҳими, аҳолини қабул қилинаётган қонунларнинг мақсади, мазмун-моҳиятидан кенг хабардор этиб бориш мамлакатимизда қонунийликни, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашга хизмат қилган бўлур эди" [3].

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексида белгиланганидек, "Маъмурий-ҳуқуқий нормалар – бу давлат томонидан ўрнатилган, давлат бошқарувини ташкил этиш ва амалга ошириш жараёнида юзага келадиган ижтимоий муносабатларни тартибга солиш мақсадида ушбу муносабатлар субъектларининг юридик ҳуқуқлари ва мажбуриятларини белгилайдиган, шунингдек, ҳуқуқлар бузилганда ёки мажбуриятлар бажарилмаганда уларнинг жавобгарлигини ўрнатадиган ва мажбурий чоралар билан таъминланадиган хулқ-атвор қоидаларидир".

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, маъмурий ҳуқуқбузарликнинг олдини олишга, улар содир этилишининг сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этишга, олий таълим муассасаларини раҳбар ва педагог кадрларини юксак ҳуқуқий онг, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига қатъий риоя қилиш руҳида тарбиялаш учун:

биринчидан, ҳар бир таълим муассасасида раҳбар ва педагог кадрларнинг одоб-ахлоқ қои-

далари ишлаб чиқилиши ва амалга киритилиши лозим;

иккинчидан, олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрлари, шунингдек, бошқа ходимлари ўз касбий фаолиятини қуйидаги тамойиллар асосида амалга оширишлари лозим:

- қонунийлик,
- фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг устиворлиги;
- ватанпарварлик, хизмат бурчи ва вазифасига фидоийлик,
- давлат ва жамият манфаатларига содиқлик,
- адолатлилик, ҳалоллик ва холислик,
- манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик;

учинчидан, олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрлари, шунингдек, бошқа ходимларининг ўз вазифаларини бажаришда қуйидагиларга қатъий риоя этиши:

- ўз хизмат вазифаларини виждонан, юксак касбий даражада бажариш;
- ваколатли давлат органлари ва мансабдор шахсларининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорларини ўз вақтида ва сифатли бажариш,
- ўз фаолиятини қонун ҳужжатларида ва ички ҳужжатларда белгиланган лавозим ваколатлари доирасида амалга ошириш,
- ўз вазифаларини бажаришда фуқароларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва қонуний манфаатларини ҳисобга олиш, уларни камситиш ҳолатларига йўл қўймаслик;
- ўз вазифаларини бажаришига тўсқинлик қилувчи бирор-бир шахсий, мулкий ва бошқа манфаатларнинг таъсири билан боғлиқ бўлган хатти-ҳаракатларга барҳам бериш;
- норматив-ҳуқуқий ҳужжат ва идоравий ҳужжатларда белгиланган чеклашлар ва тақиқларга риоя қилиш, ўз вазифаларини оғишмай бажариш ва бошқалар.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А**.** Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси // Халқ сўзи.- 2010.- 13 ноябрь.

2. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик кодекси. Расмий нашр. -Т.: Адолат, 2004.

3. Асосий вазифамиз – жамиятимизни ислоҳ этиш ва демократлаштириш, мамлакатимизни модернизация қилиш жараёнларини янги босқичга кўтаришдан иборат. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. – Т., 2015.

Ўзбекистон Миллий университети,
2017 йил 5 февралда қабул қилинган
(Тақризчи: ю.ф.д. Й.Р.Раҳимов)